O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
13 июнь
ЧОРШАНБА

№ 48
(11.955)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Ғалла – 2007





## МАҚСАД – ТЕЗ ВА СОЗ ЎРИБ ОЛИШ

**Деҳқонни ҳаяжонга соладиган, давомли меҳнати эвазига пишиб етилган ризқ-рўз – ғаллани ўриб-янчиб, хирмонга тўкадиган дамлар бошланди. Масъулиятли мавсумга аввалдан пухта ҳозирлик билан киришган вилоятимиз ғаллакорлари бор ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш мақсадидалар. Улар давлат эҳтиёжлари учун 319 минг тонна сара дон, шу жумладан, 18 минг 800 тонна уруғлик етказиб бериш баробарида ялпи хирмонни 500 минг тоннадан оширишга бел боғлаганлар.**

Бунинг учун етарли замин бор, албатта. Мутахассисларнинг фикрича, вилоятимиз ғаллазорларида анчайин ноқулай келган об-ҳаво шароитида ҳам баракали, чўғи тош босадиган, сара ҳосил етиштирилди. Экин парваришлаш, жумладан, озиқлантириш агротехникасига қатъий амал қилиб, ҳосил кушандаларига қарши ўз вақтида, самарали курашилгани, бу борада ғаллакорларимизнинг кўп йиллик тажрибалари тўла ишга солингани мўл ҳосилнинг асосий омили бўлди, десак хато қилмаймиз.

Ўтган йиллар тажрибасидан аёнки, вилоятимиз иқлим шароитида пишиб, оби-тобига келган донни кечиктирмай, имкон қадар тезроқ ўриб-янчиб олиш кутилган ҳосилдорлик гаровидир. Чунки, айни саратон жазирамасида кечиктирилган ҳар кун экин ҳолатига ўз таъсирини ўтказиб, ҳосил баракасини учириши, дон сифатига путур етказиши, ўз навбатида ўримда ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ана шу жиҳатларни инобатга олиб, мавсум уюшқоқлик билан бошланган, комбайнлар, шунингдек, дон ташувчи транспорт воситаларининг бир маромда, узлуксиз ишлашига эришилаётган, кўрсатилаётган техник хизмат, ёқилғи-мойлаш ашёлари ва зарур эҳтиёт қисмлар таъминоти оқилона йўлга қўйилган, мавсумга сафарбар этилганларга қулай иш ва маиший шароитлар кўнгилдагидек ташкил этилган туманларда кунлик унум бошданоқ юқори бўлмоқда. Хусусан, Бекобод, Чиноз, Қуйичирчиқ, Пскент ҳамда Бўка туманлари ғаллакорлари ўримга оммавий киришиб, умумий хирмонимизни кун сайин юксалтираяптилар.

Албатта, мавсум суръатини ўрим агрегатларининг кунлик иш унуми ва маҳоратли механизатор-операторларнинг ғайрат ва шижоати белгилайди. Бу йил ўримга жами 344 та комбайн техник соз ҳолатда жалб этилган. Уларнинг 251 таси юқори суръат ва сифатда ишловчи замонавий комбайнлардир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу мавсум техник имкониятларимиз аввалги йиллардагидан анча мустаҳкам. Боиси, ўтган қисқа фурсат ичида жуда кўплаб йирик, иқтисодий бақувват фермер хўжаликлари ўз техник имкониятларини замонавий ўрим агрегатлари билан бойитишга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари, шу кунларда вилоятимизга келтирилган яна 20 та янги «Класс» комбайнларини тўғридан-тўғри ғаллазорларга тушириш мўлжалланмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**
Оққўрғон туманидаги «Ўлмас ота» фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Музаффаров оператор Хўжамберди Абдулаҳадов билан ўрим олдидан ҳосил чамаламоқда; бекободлик фермер Шавкат Тошматов ғаллазорда.
**Козимжон ЎЛМАСОВ ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ:

## ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК

**Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ айни кунларда ушбу молиялаш институтларини ҳамда жойларда уларнинг филиалларини ташкил этиш ва лицензиялаш қизғин давом этмоқда.**

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тамойилини тартибга солиш мақсадида 2007 йил 19 февралда қабул қилинган «Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида мамлакатдаги микрокредит ташкилотларини лицензиялаш, улар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.



«Тошкент ҳақиқати» мухбири Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси бошлиғи Мавлон Қосимовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

– **Мавлон Абдуллаҳошимович, микрокредит ташкилотлари қандай тартибда ташкил этилади?**

– Табиийки, асосан хусусий тадбиркорлик субъектларига, ўз фаолиятини бошлаётган ишбилармонларга хизмат кўрсатадиган бу молиявий институт Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. Бироқ, таъкидлаш жоизки, улар давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Микрокредит ташкилотлари таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритади. Бу ҳужжатларда у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган маълумотларга қўшимча микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизмат кўрсатиш бўйича фаолият, бунинг учун маблағларни шакллантириш манбалари, бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари, аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

– **Микрокредит ташкилотлари кўрсатадиган асосий хизмат турлари қандай?**

– Аввало шуни айтиш керакки, микрокредит ташкилоти микрокредит, микроқарз, микролизинг берувчи, қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг), шунингдек, Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ҳисобланади. У мамлакат ҳудудида банк ҳисобварақаларини белгиланган тартибда очиш ҳуқуқига эга. Аммо, қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилишга, шунингдек, ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолиятлар билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

– **Энди ўзингиз айтган шу хизмат турларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳ берсангиз. Бу тадбиркорлар учун айни муддао бўлиши шубҳасиз.**

(Давоми 2-бетда).

## УМИД УЙҒОТАЁТГАН ЮКСАЛИШ

**Олий ўқув юртларининг анъанавий «Универсиада» мусобақалари бошланишига саноқли кунлар қолди. Вилоятимиз футбол жамоасининг мусобақаларга тайёргарлик даражаси билан танишиш учун бош мураббий Дилшод Абдусатторов билан суҳбатда бўлдик.**

– **Мусобақалар олдидан жамоанинг кайфияти қандай?**

– «Универсиада» нафақат биз учун, балки бутун илм даргоҳи учун ҳам катта имтиҳон ҳисобланади. Шундай бўлгач, ҳаяжонланиш, асабийлашиш бўлиши табиий. Лекин спортчи деган номимиз бор. Кўпчилик бизга умид ва ишонч боғлаган. Шу сабабдан ўзимизни қўлга олиб, ҳар бир ўйинга масъулият билан ёндашишимиз зарур.

– **Эшитишимизча, футбол жамоамизни ушбу баҳсларга учинчи маротаба тайёрлаётган экансиз. Тажрибангиз ортиб бораётган бўлса керак?**

– Ҳа, ҳар гал ўзимни имтиҳон топшираётган талабадек ҳис этаман. Тўғрида, мен ҳам бу билан спорт жамоатчилиги кўз ўнгида қандай мураббий эканлигимни намойиш қиламан. Шогирдларим зафар қучса, менинг ҳам ғалабам, аксинча, мағлубиятга учрашса, бу мен учун ҳам зарба бўлади.

Илк маротаба жамоани 2002 йили Бухорода бўлиб ўтган баҳсларга тайёрлагандим. Ўшанда улар 12-ўрин билан кифояланишган эди. Шундан сўнг бу йирик мағлубиятга сабаб бўлган хато ва камчиликларни ўрганиб, уларни бартараф этишга киришдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади, 2004 йили Самарқандда ўтказилган учрашувлардан 9-ўрин билан қайтдик.

Бу йилги «Универсиада»дан умидимиз катта. Мақсад – кучли учликка кириш. Бунинг учун куч ва имкониятларимиз етарли.

– **Жамоа таркиби икки олий ўқув юртидан саралаб олинган. Шу сабабли уларнинг бошини қовуштириш қийин кечмаяптими?**

– Йўқ, бу томондан омадлиман, десам бўлади. Чунки, футболчиларимиз ТошДАУда таҳсил оладими ёки вилоят педагогика институтидами, бундан қатъи назар вилоят шаънини ҳимоя қилувчи яхлит жамоа сифатида ҳаракат қилишади. Қандай қилсак, юқори ўринга эга бўламиз деган ўй уларни жипслаштириб туради.

(Давоми 4-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## СОҒЛОМ АВЛОД ВА ЭКОЛОГИЯ

**Вилоят давлат педагогика институтида ўтказилган навбатдаги илмий-амалий анжуман ана шундай номланди.**

– Унда асосан экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишга оид фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, – дейди институтнинг география ва иқтисодий билимлар асослари кафедраси мудири Ғайрат Пардаев. – Айниқса, талабаларнинг мавзу доирасида тайёрлаган маърузалари, ижодий ишлари хусусида мутахассислар, профессор ва ўқитувчилар илиқ фикр билдирдилар.

**Мунира РАЖАББОЕВА.**

## ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

**Тошкент иссиқлик электр станциясида ўқув-тажриба маркази очилди.**

Замонавий иссиқлик энергетикасига оид кўргазмали ўқув техникалари ва ускуналари билан жиҳозланган бу муассасада назорат-ўлчов асбоблари, автоматика, электр қурилмалари бўйича амалий машғулотлар олиб борилади.

Чунончи, Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежи талабалари бу ўқув марказида иссиқлик энергетикаси асосларини ўрганадилар.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МУЗЕЙИДА

**саёҳатда бўлган Оҳангарон шаҳридаги саноат касб-ҳунар коллежининг бир гуруҳ талабалари «Ўзбекистон давлат тарихи» фанини чуқур ўрганиш бўйича янада кенг тушунчага эга бўлдилар.**

– Бу ердаги мамлакатимизнинг ўтмиши ва мустақиллик йилларидаги ўзгаришларни ифода этувчи асори-атиқалар, экспонатлар, факт ва рақамлар бўлажак касб эгаларида катта таассурот қолдирди, – дейди коллеж директорининг маънавият ва марифат ишлари бўйича ўринбосари Баҳринисо Каримова. – Яқинда ўтказиладиган «Тарихни биласизми?» танлови қатнашчилари ҳамда жамоат ишларида фаол талабалар учун коллеж маъмурияти томонидан Самарқанд бўйлаб уч кунлик саёҳат уюштириш режалаштирилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## ШИФОХОНАДА ЖАМ БЎЛИШДИ

**Зангиота туман марказий шифохонаси ташаббуси билан туман болалар шифохонасида ўтказилган тадбирга шу ерда даволанаётган 30 нафар бемор ҳамда 22 нафар етим ва 17 нафар ногирон болалар таклиф этилди.**

Уларга ҳомий ташкилотларнинг совға-саломлари топширилди.

Шу куни шифохона ҳудудида парҳез таомлар кўргазмаси ўтказилди. Унда 15 турда таомлар тайёрланиб, йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

Болалар ёзи

## «КАМАЛАК»ДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЯПТИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгийўл шаҳар бўлими 2007 йил ёзги таътил даврида болаларнинг мазмунли дам олишлари, бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан ўтказишлари ва шу орқали улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида шаҳардаги 6-умумтаълим мактаби қошида «Камалак» ёзги соғломлаштириш оромгоҳини ташкил этди.**

Ҳозирги кунда ушбу оромгоҳда 7 дан 12 ёшгача бўлган 120 бола ҳордиқ чиқармоқда. Улар учун рассомчилик, тикувчилик, мунчоқ ва бисер қадаш, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, шунингдек, спортнинг шахмат-шашка, футбол, каратэ, дзюдо турлари бўйича тўгараклар ташкил этилган. Анчагина китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона ҳам болалар хизматида.

Оромгоҳда болалар кўнгилли дам олишлари, соғлиқларини мустаҳкамлашларидан ташқари билим ва дунёқарашларини кенгайтиришлари учун ҳам қўшимча тадбирлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, оромгоҳда сардорлар кенгаши тизими ҳам шакллантирилган. Унинг аъзолари дам олаётган болалар билан турли тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, болаларни мамлакатнинг ўтмиш тарихи, халқимизнинг миллий урф-одатлари, буюк аждодларга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, жисмонан соғлом бўлиб камол топишлари учун «Биз Алпомиш ва Барчиной авлодларимиз!» мавзусида спорт мусобақалари ташкил этиляпти.

Оромгоҳда болалар 22 июнгача мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

**Қибрай туманидаги кексалар оромгоҳида ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаси Абдулла Қаҳҳор хотирасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва республика Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этган тадбирда ёзувчи ижодининг ихлосмандлари, адабиётшунос олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, вилоятда яшаб ижод қилаётган қаламкашлар, вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этишди.**



## АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АНЖУМАНИ

Кечани Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов кириш сўзи билан очар экан, адибнинг бой ижодий мероси, ёзувчилик маҳорати, ижодга бўлган садоқати ҳақида тўхталди.

Шунингдек, таниқли адабиётшунос олимлар, шоирлар ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Ёш қаламкашларнинг ёзувчига бағишлаб ўқиган шеърлари ажойиб мушоирага айланиб кетди.

Таниқли санъаткорлар ва қибрайлик ёш истеъдодлар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар кечага янада файз бағишлади.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

**СУРАТДА:**
анжуман қатнашчилари адиб китобларини кўздан кечирмоқдалар.
**Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган сурат.**

Танлов

## «НИҲОЛ» МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

**Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлардан бири бўлган «Ниҳол» мукофоти учун уюштирилаётган кўрик-танловлар вилоятимизнинг ҳар соҳада зукко, иқтидорли ёшларини аниқлашда муҳим омил бўлмоқда.**



Бўка туманида ўтказилган ушбу танловнинг вилоят босқичида ёшларнинг чиқишлари томошабинларнинг давомли олқишлари билан кутиб олинди. Улар эстрада, мумтоз қўшиқчилик, мусиқа, опера ва рақс йўналиши бўйича истеъдодларини намойиш этдилар.

«Ниҳол» кўрик-танловининг якуний босқичи бўйича ғолибликни қўлга киритган Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари ва Бўка, Қибрай, Пскент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманлари вакиллари ёшларнинг нуфузли «Ниҳол» мукофотига тавсия этилди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

**СУРАТДА:**
тадбирдан лавҳа.
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ТАЪЛИМ СИФАТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Коммуникация ва ахборотлаштириш жараёнлари ҳаётимизга шу даражада шиддат билан кириб келмоқдаки, уларсиз ҳеч бир соҳанинг тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди.**

Ўқувчиларга мультимедиа воситалари асосида таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланиб улгурди. Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда дарслар савиясини ошириш мақсадида мультимедиа воситаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, электрон ўқув адабиётлари яратиш ва уларни ўқув жараёнларига татбиқ этиш кўзда тутилган.

Шу ўринда савол туғилади. Мультимедиа деганда нимани тушунишимиз керак?

Мультимедиа бу – информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида ўқув материалларини аудио, видеоматн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқувчиларга етказиб бериш учун мужассамланган кўринишдир. Унинг ажралиб турувчи алоҳида белгилари ахборотнинг анъанавий (матн, жадваллар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация) ҳамда бошқа турларини ягона дастурий маҳсулотда интеграциялайди.

Қолаверса, «инсон – компьютер» интерактив мулоқотнинг янги даражаси бўлиб, фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотлар оладики, бу таълим, меҳнат ёки дам олиш шароитларини яхшилашга имкон беради.

Ривожланган мамлакатларда мультимедиа воситаларини қўллаган ҳолда ўқитиш усули барча таълим соҳаси йўналишлари бўйича татбиқ қилинмоқда. Ҳар бир оила мультимедиа воситаларисиз ҳордиқ чиқармайдиган бўлиб қолди.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларни ушбу воситалар асосида ўқитиш ҳам икки баробар унумли, ҳам вақтнинг анча тежалишига имкон яратади. Олинган билимлар таъсир жиҳатидан кучли бўлиб, хотирада узоқ муддат сақланиб қолади. Агар ўқувчилар маълумотларни кўриш орқали қабул қилса, бундай ахборотни хотирада сақлаш 25-30 фоизгача ошади. Бунга қўшимча сифатда ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлашган ҳолда берилганда, уларни хотирада сақлаб қолиш 75 фоиз ортади. Биз бунга университетимизнинг мультимедиа марказида яратилган «CD – ROM virtual stendi» мультимедиа воситасини ўқув жараёнида қўллаш орқали яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ҳозирги кунда тўғридан-тўғри Интернет тармоғига кириш орқали таълим бериш учун электрон почталар, масофали конференциялар ҳамда маълумотларнинг электрон базасидан фойдаланилади. Ахборотлашган тезкор каналнинг ривожланиши янги гипермедиа тизимини яратиб, фойдаланувчининг интерфейси ва мулоқотини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, мультимедиа воситаларининг фан ва амалиётга татбиқ қилиниши юксак самара беради. Хусусан, уларни таълим тизимида қўллаш ўқувчиларда аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш, тўлиқ билим олишга имкон яратади.

**Ж. ҚУРБОНОВ.**
**ТДИУ Ахборот технологиялари ва менежмент факультети талабаси.**

**Ҳар қандай кишининг жазирама ёз ойларида ўзига сиғмай, соя-салқин, муздеккина тоғ бағирларини қўмсаб қолиши табиий. Пурвиқор тоғлар, сўлим гўшалардан бири «Сўқоқ» дам олиш уйи шаҳардан олтмиш икки километр масофада, Чотқол тоғларининг этагида жойлашган.**

# ТОҒ ЭТАГИДАГИ ГЎЗАЛ ОРОМГОҲ

Денгиз сатҳидан 1000-1200 метр баландликдаги ям-яшил дов-дарахтлар орасидаги оромбахш маскан саксон ўринга эга. Мусаффо тоғ ҳавоси, тошдан-тошга урилиб, жилоланиб оқаётган тоғ дарёлари, шаршаралар, заррин қуёш нурида минг хил тусда товланаётган кенгликлар кишига хуш кайфият, дардмандларга қувват бағишлайди. Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган даволаш ва диагностика хоналари, малакали шифокорлар, барча қулайликларга эга ётоқхоналар дам олувчилар хизматида.

– «Сўқоқ»нинг гўзал табиати мени доим ўзига чорлаб туради, – дейди Тошкент туманидан келган кекса ўқитувчи Самиғжон Саъдибоев. – Бу йил учинчи марта келишим. Йил давомида гоҳ у ер, гоҳ бу ерим оғриб, безовта қилади-ю, дам олиш уйига келгач, ҳаммаси унитилиб кетади. Худди жаннатда юргандек ҳис қиламан ўзимни.

– Мен эса, бу йил биринчи келишим, – дейди бухоролик Шомурод Эргашев. – Бу ерларнинг гўзаллиги, табиатнинг бетакрорлиги қулфи-дилимни очиб юборди. Нафақат ширинсўз, хушмуомила шифокорлар, балки ҳар бир майса, ўт-ўлан ҳам эркалаётгандек туюлади. Сокинлик, эркинлик, покизалик, айниқса, тоза ҳавоси нақадар ҳаётбахш. Гўё, ёшариб қолгандекман. Энди ҳар йили келсам дейман.

**Сайёра РИХСИЕВА.**





**СУРАТЛАРДА:**
«Сўқоқ» дам олиш уйида.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Нуқтаи назар*

# МУҲИМИ – ИҚТИСОДИЙ МАҚБУЛЛИК

**Республикамизда сўнгги йилларда газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш бўйича изчил бошқарув тизимини шакллантириш, шунингдек, газ учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тасарруфидаги ҳудудий газ таъминоти корхоналари «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси таркибига ўтказилиб, истеъмолчиларни газ билан таъминлаш учун 6 та ҳудудлараро унитар корхона ташкил этилди.

Янгидан ташкил этилган бу корхоналарга газ тақсимлаш тармоқларини ишлатиш ва табиий газни сотиш бўйича магистраль газ қувурлари, компрессор станциялари, ер ости газ омборлари, газ тақсимлаш тармоқлари ва ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларининг меъёрий талабларига амал қилган ҳолда республика истеъмолчиларини белгиланган тартибда табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, замонавий ҳисоблаш асбоблари ва усулларини жорий этган ҳолда сотилган газ қатъий ҳисоб-китоб қилиниши ва тушумнинг тўлиқ топширилиши, табиий газнинг исроф қилиниши ва асоссиз ишлатилишини камайтириш чораларини кўриш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газни ўғирлаш ҳолларининг олдини олиш, экспортга табиий газ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва уни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш каби вазифалар юкланган.

Натижада республика истеъмолчиларига, шу жумладан, аҳолига табиий газ етказиб бериш ва сотиш бўйича ягона бошқарув-технологик тизими яратилди. Бу тизим аҳоли учун табиий газ етказиб беришнинг узлуксизлигига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда аҳоли учун қатор имтиёзлар белгиланган. Молия вазирлиги томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида газ истеъмоли учун аҳоли корхона ва ташкилотларга нисбатан анча кам миқдорда ҳақ тўлаши белгиланган.

Табиий газ жамият учун неъматми (жамият бойлиги) ёки товарми? Табиий газнинг аҳоли томонидан товар сифатида эмас, балки жамият неъмати, яъни табиат инъоми сифатида қабул қилиниши жамиятнинг барча аъзолари табиий газ таъминотидан ҳеч қандай чекланишларсиз, минимал нархларда фойдаланиш ҳуқуқига эга, деган нотўғри қарашларнинг ҳануз сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Бу газ тарифларининг ташкил топиши ва ўрнатилишида ошкораликнинг етишмаслиги, истеъмолчиларнинг тармоқ муаммолари ва уларни ҳал этиш зарурлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги оқибатлари бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, газ таъминоти хизматининг истеъмолчилар ҳамёни кўтарадиган нархда бўлишини назарда тутиш, қўллаб-қувватлаш билан бирга, аҳолининг манфаатлари газ таъминоти корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига зарар етказмаслигини ҳам эътиборга олиш зарур.

**Содиқ ҚАЮМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида ўткир юқумли ва паразитар касалликларнинг олдини олиш, бу борадаги илм-фан ютуқларидан амалда оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Илм-фан муассасалари олимлари, санитария-эпидемиология маркази ва тиббиёт муассасалари мутахассислари тегишли давлат ва жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган ўнлаб лойиҳалар самараси туфайли баъзи хорижий мамлакатларда қайд этилаётган юқумли касалликларнинг юртимизга кириб келишининг олди олинмоқда. Болаларни юқумли хасталикларга қарши эмлаш тадбирлари юқори савияда ташкил этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Анжуманда ана шу йўналишда имл-фан эришаётган ютуқлар ва жаҳон тиббиёти янгиликлари, амалий чора-тадбирлар самараси хусусида атрофлича фикрлашилди. Илмий тадқиқотлар ва санитария-эпидемиология хизмати кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар таҳлил этилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ: ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК

– Бу ҳақда гапиришдан аввал «микромолиялаш» тушунчасига ойдинлик киритиб олсак. У микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан микролизинг бериш, шунингдек, микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолиятдир.

Энди микрокредит нима деган масалага келсак, у қарз олувчига ўзининг тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг минг бараваридан ошмайдиган миқдорда тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир. У қарз олувчига бу пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадларга ишлатиш шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилади.

Микроқарз эса, жисмоний шахс ҳисобланган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз бараваридан ошмайдиган миқдорда муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса, тўловлилик шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи томондан мол-мулк олиш ҳамда унга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутилган хизмат ҳисобланади. Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ошмайдиган миқдорда берилади.

Микрокредит ташкилотлари, шунингдек, микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

**– Микрокредит ташкилотларининг устав жамғармаси ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағлар манбалари қандай шакллантирилади?**

– Устав жамғармаси пул маблағларидан, шунингдек, мазкур ташкилот устав жамғармаси миқдорининг 20 фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулклардан шакллантирилади. Бунда кредитга, гаровга олинган ва бошқа жалб этилган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Жамғарманинг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

Жамғарманинг энг кам миқдори миллий валютада Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган микрокредит ташкилотлари учун 20 минг АҚШ доллари, бошқа аҳоли пунктларида эса 10 минг АҚШ доллари эквивалентида ўрнатилган. Бу эквивалент республика Марказий банкининг микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтган кундаги курси асосида белгиланади. Дарвоқе, микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Микрокредит ташкилотлари ўз маблағлари, шу жумладан, олган даромадлари, инвесторлар, жумладан, чет эл инвесторлари томонидан инвестиция шартномалари асосида берилган маблағлар, банк кредитлари ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, халқаро молия институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари грантлари ва қарз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади.

**– Микрокредит ташкилотлари фаолияти қандай тартибда лицензияланади?**

– Уларга лицензия бериш ёки буни асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор ариза билан мурожаат қилинган ва зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз тақвим куни давомида қабул қилинади. Аризани кўриб чиқиш учун лицензияга даъвогардан йиғим ундирилади. Бу йиғимнинг миқдори республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ташкилот қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан сўнг лицензия олиш учун 60 кундан кечиктирмай, республика Марказий банки ёки унинг ҳудудий бошқармаларига ариза, таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси, ташкилот бошқарув органлари таркиби ҳақидаги маълумотлар, устав жамғармаси шакллантирилганини тасдиқловчи банк ҳужжати, аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов топшириқномаси нусхасидан иборат ҳужжатларни тақдим этиши керак. Ҳажми бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжатлар тикилган бўлиши лозим.

Лицензия берилиши муносабати билан ундириладиган давлат божини тўлаш тартиби ва миқдори республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Марказий банк тегишли қарор қабул қилганидан сўнг уч кунлик муддат ичида бу ҳақда лицензия даъвогарига хабар беради. Қарор банк ҳисобрақами реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда лицензия даъвогарига ёзма равишда юборилади.

Микрокредит ташкилоти лицензия берилган вақтдан бошлаб олти ойлик муддат ичида ўз фаолиятини бошлаши лозим.

**– Марказий банк қандай сабабларга кўра лицензия беришни рад этиш, шунингдек, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эга?**

– Тақдим этилган ҳужжатлар қонунчиликда ўрнатилган тартибга мувофиқ бўлмаса, уларда нотўғри ва бузиб кўрсатилган маълумотлар бор бўлса, Марказий банк лицензия берилишини рад этишга ҳақли. Бу ҳақдаги қарор лицензия олувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади. Ушбу қарорда рад этилишига сабаб бўлган камчиликларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта тақдим этиш мумкин бўлган муддат кўрсатилган бўлиши лозим.

«Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари, шу жумладан, лицензия талаблари ва шартлари бузилганда, ташкилот фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар бажарилмаган ҳолларда Марказий банк лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилади.

Микрокредит ташкилотининг тўлов қобилиятини йўқотиши, ҳисобот маълумотларини мунтазам бузиб кўрсатиши, лицензия олган пайтдан эътиборан микрокредит беришни олти ойдан ортиқ муддатга кечиктиргани унга берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинишига асос бўлади. Шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам шундай қарор чиқарилиши мумкин.

Лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланиб олинганлиги далиллар асосида аниқланган тақдирда, у бекор қилинади.

**– Марказий банкка микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиб туриш юзасидан қандай ваколатлар берилган?**

– Марказий банк микрокредит ташкилотлари фаолиятини «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тартибга солиб туради. Бундай ваколат республика молиявий тизимининг барқарорлигини, қарз олувчи ва кредиторлар манфаатининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида берилган.

Марказий банк микрокредит ташкилотлари устав жамғармасининг энг кам миқдорини, молиявий ва касса операцияларини ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг мажбурий бўлган қоидаларини белгилайди. Улар фаолиятини текширади, аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга оид мажбурий бўлган кўрсатмалар беради. Ташкилотнинг айрим молиявий операциялар ўтказишини уч ойгача бўлган муддатга чеклайди.

Бундан ташқари Марказий банкка юқорида таъкидланганидек, микрокредит ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати берилган.

**– Ниҳоят сўнгги савол: микрокредит ташкилотлари жойлардаги талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ўз филиалларини очиши мумкинми?**

– Мумкин. Бунинг учун улар қониқарли молиявий салоҳиятга эга бўлишлари ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига амал қилишлари шарт.

Филиаллар микрокредит ташкилотининг юқори бошқарув органи қарорига биноан Марказий банкда ҳисобга қўйилган ҳолда тузилади (ёки тугатилади). Уларни микрокредит ташкилоти мол-мулк билан таъминлайди. Филиалнинг номланиши «филиал» сўзи кўрсатилган ҳолда уни тузган ташкилот номига тўлиқ мос бўлиши шарт.

Республика ҳудудида тузилган филиаллар юридик шахс бўлмайди. Улар микрокредит ташкилотига берилган лицензия ҳамда юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган филиал тўғрисидаги Низом асосида фаолият юритади.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).


## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент тумани, Ҳасанбой ширкат хўжалиги, Ҳасанбой 5-тор кўчаси манзилида жойлашган, "Камол-Уматдош" МЧЖ омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:**

| № | Автотранспорт воситасининг русуми | Асосий техник тавсифи | Бошланғич баҳоси | Ижро ҳужжатининг санаси ва рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1 | "УАЗ-469" русумли, давлат рақами 10 X 5482 | 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 512 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2006 йил 21 декабрдаги 5786-сонли ижро варақаси |
| 2 | "УАЗ-469" русумли, давлат рақами 30 D 3870 | 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 320 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2006 йил 22 декабрдаги 5572-сонли ижро варақаси |
| 3 | "Москвич-2140" русумли, давлат рақами 30 M 7244 | 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 640 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2007 йил 18 сентябрдаги 401-сонли ижро варақаси |
| 4 | "АЗЛК" М-21406 русумли, давлат рақами 11 V 5046 | 1982 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 256 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2007 йил 15 ноябрдаги 496-сонли ижро варақаси |
| 5 | "Трактор Т28х4М" русумли, давлат рақами 22 08 TH | 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 2 560 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2005 йил 26 июлдаги 6633-сонли ижро варақаси |
| 6 | "2ПТС-4-793А" русумли тиркама, давлат рақами 22 08 TH | 1973 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 480 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2005 йил 26 июлдаги 6633-сонли ижро варақаси. |
| 7 | "ГАЗ-66" русумли, давлат рақами 10 P 7133 | 1977 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 320 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2006 йил 14 августдаги 324-сонли ижро варақаси |
| 8 | "ГАЗ-24" русумли, давлат рақами 10 F 9671 | Ишлаб чиқарилган йили номаълум, техник носоз | 320 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2006 йил 27 ноябрдаги 467-сонли ижро варақаси |
| 9 | "ГАЗ-66" русумли, давлат рақами 11 L 6391 | 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 920 491 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2007 йил 26 июлдаги 7665-сонли ижро варақаси |
| 10 | "КАМАЗ-5320" русумли, давлат рақамисиз | 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | 9 600 000 сўм | Тошкент тумани ЖИБ бўйича судининг 2007 йил 2 мартдаги 42-сонли ижро варақаси |

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 3, 10, 17, 24 ва 31 июль кунлари соат 11.00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Шунингдек, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент тумани ИИБнинг 2007 йил 14 мартдаги қарорига асосан хатланган, Тошкент тумани, Ҳасанбой ширкат хўжалиги, Ҳасанбой 5-тор кўчаси манзилида жойлашган, "Камол-Уматдош" МЧЖ омборхонасида сақланаётган "ГАЗ-33021" русумли, Қозоғистон Республикаси давлат рақами X094NBM бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 2 719 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 17, 24, 31 июль ва 7, 14 август кунлари соат 11.00 да, ушбу автотранспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотека-банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй. **Телефонлар:** 228-79-52, 228-84-48.

**Интернетдаги сайтимиз:** www.rkmb.uz

**Лицензия: DB 001 № 000004.**





*Бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари – касаба уюшмаларининг роли ва таъсир кучи тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётир. Уларнинг негизи – бошланғич ташкилотларнинг меҳнат жамоаларини жипслаштириб, ишловчиларнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, ходимларнинг мамлакат қонунларида белгиланган ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти амалий, таъсирчан, самарали тус олаётир.*

*«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба ташкилотининг кўлами ва изчил фаолияти шу жиҳатдан ниҳоятда ибратлидир. Касаба қўмитаси, ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги касаба ташкилотлари ва гуруҳлари бевосита ҳар бир ишловчига етиб бориб, асосий эътиборни барча қатламдаги ишчи-хизматчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларини ўрганиб, уларнинг касб малакасини, турмуш даражасини кўтариш, меҳнат шароитларини яхшилаш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масалаларига қаратмоқда. Бу катта жамоа ҳаёти ва меҳнат фаолиятининг бирор жабҳаси йўқки, унга касаба қўмитаси ўз йўналтирувчи таъсирини кўрсатмасин. Бу серқирра ишларга бирлашма бошқаруви билан меҳнат жамоаси номидан имзоланган жамоа шартномаси пухта қонунчилик, ижтимоий-иқтисодий асос яратмоқда. Ушбу саҳифада корхона бошланғич касаба ташкилотида амалга оширилаётган ишлар, касаба фаолларининг фаолияти ҳақида ҳикоя қиламиз.*







Тажриба

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**Корхонамиз сўнгги йилларда барқарор ривожланиш йўлига ўтиб олди. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб, унинг сифати жаҳон бозори андозаларига монанд, рақобатга бардошли бўлиб бораётир. Сўнгги бир йилда ялпи товар маҳсулот ҳажми 5,5 фоиз кўпайди.**

Ўтган йили металлургларимиз мамлакатга 616 минг 704 тонна пўлат, 585 минг 670 тонна тайёр прокат етказиб бердилар. Хорижга 87,1 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди. Бу йилги ўсиш суръатлари ҳам юқори даражада бўлишига эришилаётир.

Табиийки, бу ютуқлар осонликча қўлга киритилмаяпти. Улар минглаб ишчи-хизматчиларимиз меҳнати, изланишлари самарасидир. Чунки, ишлаб чиқаришимизнинг хом ашё базасини мустаҳкамлашга, у бетўхтов ишлаб туришини таъминлашга бутун эл-юрт, каттаю кичик муносиб ҳисса қўшмоқда. Барча шаҳар ва қишлоқлардан йиғиб келинаётган темир-терсак металлургларимизнинг қаҳрамонона меҳнатлари билан пўлатга, тайёр прокатга айланаётир ҳамда Ватанимиз иқтисодий куч-қудратини оширишга хизмат қилаётир. Унинг салмоғини тасаввур қилиш учун сўнгги бир йилда корхонамизда 277 миллиард 694 миллион 445 минг сўмлик ялпи товар маҳсулоти ишлаб чиқарилганлигини айтиш кифоя.

Ишлаб чиқариш барқарор ривожланиб боришида, ҳар бир иш жойида ва, умуман, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишловчиларнинг маданий-маиший турмуш даражаларини кўтаришда корхона бошқаруви билан касаба қўмитаси имзолаган жамоа шартномасининг аҳамияти катта бўлаётир. Бу муҳим ҳуқуқий ҳужжат иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбий муносабатларни тартибга солиб, барқарорлаштирмоқда.

Жамоа шартномасида кўзда тутилган меъёр, қоида ва талаблар оғишмай бажарилишига эришишда касаба ташкилотларимизнинг назорат қилувчи таъсири ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Улар барча бригадаларда, участка, ишлаб чиқариш бўлинмалари ва цехларда иш олиб бориб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш асосида ходимларни ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантиришга, ҳар бир ишда тежамли бўлишга, маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилувчи барча имкониятларни ҳаракатга келтиришга даъват этмоқдалар.

Табиийки, касаба ташкилотларининг асосий вазифаси иш ҳақи белгиланган муддатларда тўланиши, жамоа шартномасида кўзда тутилган ижтимоий масалалар вақтида ва аниқ ҳал этилиши, ишловчиларнинг ҳуқуқлари ва бошқа манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишига эришишдан иборатдир. Ҳозирги пайтда иш ҳақини белгилашда ҳар бир бўлинма, ҳар бир ходимнинг корхонамиз эришаётган иқтисодий натижаларга қўшаётган ҳиссасини аниқ ҳисобга олиш тамойили амал қилмоқда. Энг кам иш ҳақи 35 минг 750 сўм миқдорида белгиланиб, ишловчилар умумий ишга қўшаётган ҳиссалари – меҳнат натижаларига қараб иш ҳақи олишаётир. Ўтган йили ўртача иш ҳақи 299 минг 630 сўмни ташкил этгани айтилса, корхонамизда меҳнат ўз қадрини топаётганлигини англаш қийин бўлмайди. Сўнгги бир йилда ўртача иш ҳақи 21,9 фоиз ошганлиги эса, ходимларимизнинг турмуш даражаси барқарор кўтарилиб бораётганлигидан далолатдир.

Корхона бошқаруви ва касаба қўмитаси ишчи ва хизматчиларнинг ёш авлодини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Асосий ишлаб чиқариш цехларига бир йилда 41 олий, 53 ўрта-махсус билим юртларини битирган йигит-қизлар қабул қилинди. Уларни малакали пўлат эритувчиларга, бошқа касб усталарига шогирдликка бириктириб қўйиш анъанаси давом этаётир. Ёшлар кекса ишчиларнинг кўмагида мураккаб технологик жараёнларни пухта ўзлаштириб олаяптилар, қисқа муддатда малакали пўлат эритувчилар, бошқа ишчи-касбларнинг эгалари бўлиб етишмоқдалар. «Ёшларнинг энг яхши мураббийлари» кўрик-танловлари яхши самара беряпти. Биз И. Назаров, Д. Отабоев, Д. Дўстмуродов, Л.Зокирова, Л. Кобалова, А. Алиев, В. Авкелгин сингари тажрибали устоз ва мураббийларимиз билан фахрланамиз.

Ўқув марказимизда ишчи-хизматчилар режа асосида ўқитилиб, касб малакалари муттасил ошириб борилаётир. Чунончи, бир йилда 80 электрчи, 62 слесарь, 63 электр-газ пайвандчи қайта тайёргарликдан ўтди. Электр ускуналарини созловчи ва ишлатувчи 35 ходимимиз эса, Тошкент шаҳридаги малака ошириш марказида ўқитилди. Бундан ташқари айрим муҳандис-техник ходимларимиз Харьков ва Москва шаҳарлари олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида ўқиб келишди. Умуман, 88 киши янги ишчи кадрлар тайёрлаш, 277 киши қайта тайёрлаш, 311 киши малака ошириш, 209 киши иккинчи касбларни эгаллаши таъминланиб, 176 киши мақсадли ўқув курсларида ўқитилди. Раҳбар ва мутахассисларимизнинг ҳар бир масалага илмий ҳамда корхонамизда тўпланган бой тажрибага асосланиб, оқилона ёндашиши, ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошираяпти. Бундан ҳам акциядорлар, ҳам ишловчилар тўла баҳраманд бўлишяпти. Корхонамиз тажрибаси бозор муносабатлари шароитида баҳамжиҳатлик, ижтимоий ҳамкорлик ютуқлар гарови эканлигини тасдиқламоқда.

**Илҳом ҚУРБОНОВ,**
**«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба қўмитаси раиси.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

Эътироф

## УЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

**Ҳеч бир касб йўқки, уни эгаллашда устоз ва мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари ўзига хос ўрин тутмасин. Технологик жараёнлар ниҳоятда мураккаб бўлиб, узлуксиз давом этадиган бизнинг корхонамизда ходимларнинг касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларига алоҳида талаблар қўйилади.**

Шу боис касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус ёки олий ўқув юртларини битириб, ишга келган ёшлар, албатта, кекса муҳандис-техник ходимлар, малакали пўлат қуювчилар ва бошқа касб эгаларига бириктириб қўйилади. Улар шогирдларни камолга етказиб, юксак инсоний фазилатлар, муомала-муносабат одоби уларнинг хатти-ҳаракат мезонларига айланишига кўмаклашадилар.

Энергетик Раҳматилла Разитов ана шундай моҳир устоз, меҳрибон мураббий. Ўрта махсус билим юртларини битириб келган ёшлар ундан ҳаёт сабоғини олиб, касб маҳоратини ўрганадилар. Устоз жамоада ўзаро муносабат одобини ёшлар қалбига сингдириб, улар талабчан, зийрак, хушёр ва жонкуяр ходимлар бўлиб шаклланишлари учун вақтини ҳам, билиму тажрибасини ҳам аямайди.

Касаба қўмитамиз шундай устозлар меҳнатини алоҳида қадрлаб, уларни рағбатлантириб келмоқда. «Ёшларнинг энг яхши мураббийлари» кўрик-танловлари мунтазам ўтказилади. Бу ёшлар билан ишлаш яна ҳам самарали тус олишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бугун цехимизда шогирдлар билан самарали ишлаётган устозлар оз эмас. Электрик Ноил Гилмуранов, катта уста Омонбек Алиматов, механик Баҳодир Эшматов, вальцовкачи Азим Қўзибоев, кранлар бўйича уста Эркин Каримов, печь устаси Диловар Ибришев сингари устоз металлурглар билан фахрланамиз.

**Мансур ИСКАНДАРОВ,**
**1-прокат цехи ишчиси.**

## ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

**Темирйўл цехини улкан корхонамизнинг қон томирига муқояса қилиш мумкин. Тепловоз машинистлари, таъмирловчи ва йўлсозлар, бошқа хизмат ходимларининг меҳнати барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида юксак иш мароми кеча-кундуз бир текис давом этишида муҳим аҳамиятга эга.**

Маълумки, цехимиз ниҳоятда тарқоқ, бутун корхона ва туташ ҳудудларни қамраб олган. Шу боис касаба қўмитамиз фаолиятини ташкил этишда ҳам ўзига хос мураккабликлар мавжуд. Биз барча участкалар, станция ва юк ортиш-тушириш майдонларида одамлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг касб маҳоратларини ошириш, ҳаракат ва техника хавфсизлиги талаблари оғишмай бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда кўпсонли касаба фаолларимизга таянамиз, Улар орқали ҳар бир бўғиннинг «томир уриши»ни билиб, зарур ҳолларда шошилинч таъсир кўрсатиб, бутун цехда соғлом маънавий-ишлаб чиқариш муҳити сақланишига эришамиз.

Тепловоз машинистлари Эркин Турсунқулов, Тоҳир Раҳматуллаев, Комил Аллаёров, чилангар Баҳодир Тожибоев, ҳаракат хавфсизлиги тафтишчиси Максим Ким, цех бошлиғи ўринбосари Комил Миркомилов, хизмат бошлиғи Абдумуталиб Обидов цех касаба қўмитасининг жонкуяр, фаол ва ташаббускор кўмакчиларидир.

Шу ўринда фақат Эркин Турсунқуловнинг фаолиятига тўхталиб ўтмоқчиман. У техника хавфсизлиги бўйича комиссияга раҳбарлик қилади. Ўз атрофига транспортнинг бир маромда ишлаши учун жонкуяр ходимларни тўплаб, иш жойларида қулай меҳнат шароитлари яратилиши, ходимлар зиён-заҳматсиз ишлашлари, улар техника хавфсизлиги бўйича билим ва малакаларини муттасил ошириб боришларига эришмоқда. Устахоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган, ҳар бир участка биринчи тиббий ёрдам воситалари билан таъминланган. Барча масалаларнинг фаолларга суяниб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилиниши касаба қўмитаси ва комиссиялар аъзоларининг меҳнат жамоасидаги обрў-эътиборларини оширмоқда, уларда ташаббускорлик руҳини кучайтираётир.

**Рустам МАЛЕНСКИЙ,**
**темирйўл транспорти цехи касаба қўмитаси раиси.**

## ҲАМИША ОДАМЛАР ОРАСИДА

**Бугун Бекободда пўлат эритиш тўхтовсиз давом этадиган жараёнга айланган. Электрда пўлат эритиш цехи унинг юраги ҳисобланади. Цехимизда 870 металлург меҳнат қилади. Уларнинг меҳнати билан ҳар ойда 53-55 минг тонна пўлат эритилади. Бир кунда 20 тагача қуйма олинади.**

Албатта, бу ишлаб чиқариш ниҳоятда пишиқ-пухта ташкил этилишини, технологик жараёнлардаги ҳар бир ҳолатни аниқ ҳисобга олишни, ресурслардан оқилона фойдаланишни тақозо қилади.

Айниқса, оператор ва металл қуювчилар меҳнатига катта талаблар қўйилади. 12 та участка, 56 та бригада ва бошқа бўлинмаларда иш олиб бораётган касаба ташкилотчиларимиз буни чуқур ҳис этган ҳолда ҳар бир иш жойида технологик интизомга, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига оғишмай риоя қилинишига эришмоқдалар. Ҳар бир мутахассис, оператор ёки пўлат қуювчининг малакасини баҳолаб бориш, иш жойлари батартиб бўлиши меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий шарти эканлиги ҳисобга олиниб, бу масала қуйи меҳнат жамоаларининг йиғилишларида ҳамиша кун тартибидан туширилмайди.

Маълумки, касаба уюшмаларининг қуйи бўғинлари жамоатчилик асосида иш олиб боради. Шуни ҳисобга олиб, смена, участка ва бригадалар касаба ташкилотлари ва гуруҳлари етакчилигига жонкуяр, қатъиятли ва ташаббускор ишчи-хизматчилар сайланишига эришганмиз. Цехимиз жамоаси Иноми Жўраев, Носир Эргашев, Эргаш Холиқовни пухта билим ва тажрибага эга металлурглар сифатида танишади. Сўнгги ҳисобот-сайлов йиғилишларида шу сингари ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан кишилар касаба ташкилотлари ҳамда гуруҳлари етакчилигига сайланди. Катта оператор Толиб Жўраев, металл қуювчи-уста Бобожон Жумаев цех касаба қўмитасининг аъзолари сифатида ташкилотимиз ҳаётида фаол қатнашаётирлар. Оддий кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини яхши билиш, ҳамиша одамлар орасида бўлиш, бой ҳаётий ва меҳнат тажрибаси ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам ечим топишда уларга қўл келмоқда. Ходимлар қандай масала ёки муаммо билан мурожаат қилишмасин, бу кишилар ҳамиша уларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қиладилар. Айни шу жиҳат туфайли касаба фаолларимиз барча ишчи-хизматчиларнинг чексиз ишончи ва иззат-ҳурматига сазовор бўлишаётир.

Мана шу фаолларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан цехимиз ишчи-хизматчиларининг ҳуқуқлари, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишига эришилаяпти. Аввало, ходимларимиз меҳнатларига яраша мўмай ҳақ олишаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Кейинги беш ойнинг ўзида иш ҳақи 20 фоиз ошди.

Касаба қўмитамиз оғир шароитда меҳнат қилаётган металлургларимизни, уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Бунинг учун хилма-хил ижтимоий-соғломлаштириш имкониятлари яратилган. Аввало, табиат қўйнида, тоза ҳаволи минтақаларда оммавий дам олдириш имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини таъкидламоқчиман. Сирдарё ўртасидаги орол, Чорвоқ денгизи бўйидаги «Металлург» пансионатида йил бўйи деярли ҳар бир ишловчи оиласи билан дам олади.

Бундан ташқари йилига 1500 га яқин киши ўз санаторий-профилакториймизда, мамлакатимизнинг хушҳаво минтақаларида жойлашган курортларда соғлиқларини тиклаб қайтишади. Пётр Вильмс, Виктор Жўраев, Мухтор Юсупов, Ўлмас Турсунов сингари кекса металлургларимиз, уларнинг изидан бораётган ёшлар ҳам бундай ғамхўрлик ва эътиборга яраша меҳнат қилаётирлар. Цехимиз, умуман, корхонамиз довруғини янада оширишга бутун куч, малака ва маҳоратларини сарфламоқдалар.

**Маъруф АЛЛАМУРОДОВ,**
**электрда пўлат эритиш цехи касаба қўмитаси раиси.**

Меҳнат муҳофазаси

## ШУНЧАКИ ТАНЛОВ ЭМАС

**Хавфсиз иш шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш вазифалари бозор иқтисодиёти ва бугунги иқтисодий муносабатлар шароитида айниқса долзарб тус олаяпти. Аслида бу корхонада соғлом маънавий-руҳий ҳамда барқарор ишлаб чиқариш муҳитини яратишнинг асосий шартидир.**

Шуни ҳисобга олиб, корхонамиз бошқаруви ва касаба қўмитаси меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги тадбирларини амалга оширишга, ҳар бир иш жойи мукаммал жиҳозланиши, асбоб-ускуналар ҳамиша ярoқли ва сифатли бўлишини таъминлашга катта аҳамият бермоқда.

Асосий эътибор «Юксак унум билан, жароҳатларсиз ва талафотларсиз меҳнат қиламиз!» шиори остидаги кўрик-танловнинг самарадорлигини оширишга қаратилаётир. Шу жараёнда меҳнат муҳофазаси, иш жойларининг хавфсизлиги устидан жамоат назорати кучайиб бораётир. Бунда касаба қўмитасининг меҳнат муҳофазаси комиссияси фаолиятининг ташкилий-амалий таъсир кучи ортмоқда. Натижада металлургларни сифатли махсус кийим-бош, пойабзал, якка тартибдаги муҳофаза ва бошқа санитария-гигиена воситалари билан таъминланиши яхшиланиб бораётир.

Аввало, қабул қилиб олиш жараёнида уларнинг сифати текшириб кўрилади. Бу ишни биз корхона меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими мутахассислари билан яқин ҳамкорликда қиламиз. Шу боис иш кийимларининг сифатига эътирозлар кескин камайди. Бу мақсадлар учун маъмурият етарли маблағ ажратаётир. Чунончи, сўнгги бир йилда 217 миллион 732 минг сўмликдан кўп махсус иш кийимлари, 81 миллион 472 минг сўмлик пойабзал сотиб олинди. Якка тартибдаги муҳофаза воситалари – каска, кўзойнак, респиратор, қўлқоп ва бошқаларни сотиб олишнинг ўзига 165 миллион 647 минг сўм сарфланди. Санитария-гигиена воситалари учун 28,3 миллион сўм ажратилди.

Айни пайтда биз махсус иш кийимлари ва ҳимоя воситаларини ювиш-таъмирлаш жараёнларини назорат қилиб борамиз. Шу мақсадда электрда пўлат эритиш цехида махсус кирхона, пойабзал устахонаси ташкил этилган. Ювиш-таъмирлаш ишлари марказлаштирилган тартибда йўлга қўйилган. Бир йилда 84 миллион сўмлик ювиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Жароҳатлар ва талафотларсиз, юқори унум билан меҳнат қилиш учун ҳаракат самарадорлигини ошириш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги устидан жамоат назоратини кучайтиришда меҳнат жамоалари ўртасидаги кўрик-танловларнинг аҳамияти ортиб бораётир. Улар корхонамиз бошқаруви ва касаба қўмитасининг қўшма қарори асосида ташкил этилган. Меҳнат жамоалари ўртасида «Юксак унум билан, жароҳатларсиз ва талафотларсиз меҳнат қиламиз!» шиори остидаги кўрик-танловда иш хусусиятлари ва тури алоҳида ҳисобга олинади. У олти гуруҳда ўтказилмоқда. Чунончи, ўтган йилги якунларга кўра, 2-пўлат эритиш, марказий ремонт-механика, энергетика, автотранспорт, СМТ ва марказий лаборатория ғолиб чиқди. «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» номинацияси бўйича меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари тўла бажарилишига эришилган, юксак ишлаб чиқариш маданияти таъминланган жамоалардаги вакиллар ғолиб деб топилади. Ўтган йили бу фахрли унвонга 2-пўлат эритиш цехи электриги А. Зайнулин, мартен цехи селесари Б. Саидов, слесарь-таъмирловчи Д. Пульюс, ОМТС устаси Х. Қўзибоев мушарраф бўлишди. Муҳандислардан М. Тожибоева, Ю. Радашин, М. Сатторова, И. Масобиров энг яхши мутахассислар сифатида тақдирланишди.

Меҳнат муҳофазаси хоналари ёки бурчакларини таъсирчан жиҳозлаб, тарғибот-ташвиқот ишини изчил ташкил этганлик юзасидан кўрик-танловда 1-навли прокат цехи ғолиб чиқди. Бошқа беш цехдаги меҳнат муҳофазаси бурчакларида олиб борилаётган ишлар ҳам юқори баҳоланиб, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Кўриниб турибдики, меҳнат муҳофазасини яхшилаш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилиши сабабли корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкаларида юқори меҳнат мароми сақланишига эришилаяпти.

**Евгений КИМ,**
**меҳнат муҳофазаси комиссияси раиси.**





**Саҳифани Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ ҳамда Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.**

# УМИД УЙҒОТАЁТГАН ЮКСАЛИШ

Ҳозир жамоа 15 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 8 нафари Ангрендан, қолгани эса ТошДАУ талабаларидир. Улар ўқув машғулотлари бошланган биринчи кунларданоқ иноқлашиб кетишди. Жамоада шундай самимий муҳитни сақлаб қолиш учун қўлимдан келган барча чораларни қўллаяпман.

**– Қайси футболчиларга кўпроқ умид боғласа бўлади?**

– Жамоа шундай шакллантирилганки, уларни бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, ғалабани бутун жамоа таъминлайди.

Шунга қарамай, саволингизга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Тажрибаси бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳамда техник тайёргарлиги юқори бўлган ярим ҳимоячилардан Бобур Ҳошимов, Беҳзод Муқимов, ҳимоячилардан Мансур Қосимов, Шавкат Раимқуловнинг ғалабага эришишимизда ҳиссаси катта бўлади, деб ўйлайман.

**– Ўйинлар олимпиада қоидалари асосида ўтказилар экан. Вакилларимизнинг қайси жамоалар билан тўқнаш келишини олдиндан билиш мумкинми?**

– Мусобақалар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилмаслиги сабабли фақат дастлабки рақибларимизни биламиз, холос. Улар Фарғона, Наманган ҳамда Бухоро жамоаларидир.

Баҳсларнинг олимпиада қонун-қоидалари асосида ўтиши бир томондан ўзини оқлаши мумкин. Энг аввало, вақтдан ютилади. Масалан, 2 жамоа майдонга тушади. Ютгани кейинги босқичга чиқади.

**– «Универсиада»нинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?**

– Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Талабалар ўртасида спортнинг оммавийлашиб бораётганлиги, шу орқали Олимпиадага йўл очилаётганлиги айни муддао бўлаяпти. «Универсиада» баҳона жойларда кўркам спорт иншоотлари барпо этилаётганлиги ҳақида-ку, гап бўлиши мумкин эмас.

Энг муҳими, мусобақалар талабаларни бирлаштирмоқда. Улар турли вилоятларга борганда, кўпдан-кўп дўстлар orttirishmoqda. Бу эса, барчамизнинг ютуғимиздир.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



**СУРАТДА:** вилоятимизнинг универсиадада қатнашувчи футбол жамоаси машғулот пайтида.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## Нигоҳ

**Тожикистон Республикаси Ўзбекистоннинг энг яқин қўшниси ва айни пайтда савдо, саноат, шунингдек, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида республиканинг муҳим стратегик ҳамкори ҳисобланади. Ҳар икки қардош халқнинг бир-бирига ўхшаш тарихи, тил ва маданиятлари яқинлиги ҳам бу икки халқ манфаатларида маълум бир умумийлик касб этади ва бу умумийлик ўзаро ҳамкорлик соҳасида қулай имкониятлар яратади.**

# ҲАР НАРСАНИНГ ЧЕГАРАСИ БОР



Бироқ кейинги йилларда Тожикистон Республикасининг олиб бораётган сиёсатида бизнинг ватандошларимизга нисбатан шовинистик муносабат аломатлари кўзга ташланиб қолмоқда. Бу ҳақда бир қатор мисоллар келтирамиз.

2005 йилнинг ёзида Сирдарё вилояти Боёвут туманининг «Ғаллакор» қишлоғида яшовчи фуқаро Бердиқулбой Эшназаров Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти Шаҳристон туманида истиқомат қилаётган ўз отаси Оқназар Эшназаровникига келади. Отаси ташландиқ бир участкада ягона қўшниси ва қариндоши Саттор Элиев билан ёнма-ён яшарди.

Б. Эшназаров отасиникига келиб, қўшниси С. Элиевдан унинг уйда йўқлигини, Ўзбекистонга кетганлигини ва бир кундан сўнг қайтиб келишини билади. Ўғил отасининг келишини кутишга аҳд қилади ва уйга кириб кийимларини алмаштиради-да, хўжалик ишларига киришиб кетади. С. Элиев эса шу пайтда бозорга борадиган киши бўлиб, шошилганича уйдан чиқиб кетади. Орадан бир неча соат вақт ўтгач, уй олдига «УАЗ» русумли автомашина келиб тўхтайди. Ундан оддий фуқаро кийимидаги бир неча киши, шунингдек, автомат ушлаган ҳарбий хизматчилар тушиб келишади ва уйни тинтув қилишади. Б. Эшназаровни эса Давлат миллий хавфсизлик хизмати (собиқ КГБ) Шаҳристон тумани бўлимига олиб кетишади. Унга ҳеч қандай далиласоссиз «Ҳизб-ут-таҳрир» диний-экстремистик ташкилотга алоқадор ва Ўзбекистон Республикасининг жосуси деган айб қўйишади. Икки кечакундуз давомида Б. Эшназаровни қийнашади, уриб калтаклашади, сўнг унга ўз Ватанига хиёнат қилишини, вақти-вақти билан Ўзбекистоннинг ҳарбий потенциали ҳақида Тожикистон томонга маълумот бериб туришини таклиф қилишади. Бироқ Б. Эшназаров уни ҳар қанча таҳқирлашмасин, қийноқ-азобларга солишмасин, уларнинг таклифларига рози бўлмайди. Бердиқулбой Эшназаровни на маънан, на жисмонан синдира олмаган Тожикистон Республикаси махсус хизмати ходимлари унинг паспортига «Хавфсизлик вазирлиги ходимлари томонидан Тожикистондан чиқариб юборилди» деган ёзувни қайд қилишади. Бироқ бу қайдни тасдиқловчи имзо ҳам, муҳр ҳам қўйишмайди. Шундан сўнг уни давлат чегарасидан қўйиб юборишади.

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида яшовчи Санобар исмли аёл (жабрланувчининг исми ва бошқа маълумотлари ўзгартирилган) рақкоса сифатида кўп йиллардан бери Тожикистон Республикасида яшаб, истиқомат қилаётган сирдарёликларнинг тўйлари ва бошқа тантанали маросимларида қатнашиб келган. 2005 йилнинг август ойида Санобар Истарафшан ва Зафаробод туманидаги таниш санъаткорларининг таклифи билан навбатдаги тўйда хизмат қилиш учун Тожикистонга боради.

Эртасига эрталаб уйига қайтаётган Санобарни Зафаробод автостанцияси ёнидаги чойхона олдида ўрта ёшлардаги, ўзини Давлат миллий хавфсизлиги хизмати қўмитасининг Зафаробод тумани бўлими ходими подполковник Саменжон Хидиров деб таништирган киши тўхтатади ва уни мажбуран ўз хонасига олиб келади. Хонада С. Хидиров ва у билан ёнма-ён ўтирган нотаниш кишилар бирданига Санобарни сўроққа тута бошлайдилар. Ундан Ўзбекистондаги сиёсий ва ҳарбий ҳолат, республика махсус хизмати ходимлари ва бошқа масалалар ҳақида маълумот талаб қиладилар. Айниқса, унга Ўзбекистоннинг жосуси дея очиқдан очиқ айб қўйиб, унинг миллий хавфсизлик хизмати бўлимига боришини талаб қила бошлаганларида кутилмаган бу туҳматдан Санобарнинг ақли оғаёзди. Бўлимга олиб кетаётиб йўлда С. Хидиров аёлнинг Ўзбекистон фуқароси эканлигидан ва айни пайтда унга тобелигидан фойдаланиб, ўзининг шаҳвоний ҳирсини қондирмоқчи бўлади. Санобарни йўлдан овлоққа – пахта даласига олиб киради. Бироқ қатъиян рад жавобини олган Саменжон аёлни миллий хавфсизлик бўлимига олиб боради ва уни бўлим бошлиғи Фахриддин Ятимов қўлига топширади. Ф. Ятимов ҳам касбдошидан авло эмас экан, у Санобарни ўзининг дам олиш хонасига олиб киради, уни спиртли ичимлик ичишга, сўнг яланғоч ҳолда рақс тушиб беришга мажбурлайди, айтганларини бажармаса қаттиқ жазолаш билан қўрқитади ва зўрлаб унинг номусига тегади. Ўзининг шаҳвоний ҳирсини қондириб олгач, Ф. Ятимов Санобарга вақти-вақти билан унинг олдига енгилтабиат аёлларни олиб келиб туришини, шу билан бирга Ўзбекистондаги сиёсий ва ҳарбий ҳолат ҳақида ахборот тўплаб келишини тайинлайди. Шундан сўнг Ф. Ятимовнинг буйруғи билан Саменжон Санобарни чегарага олиб бориб қўяди. Давлат чегарасига етгач, С. Хидиров Санобардан бўлиб ўтган воқеаларни унутишини, унга айтилган ахборотларни тўплаб, вақтида етказиб туришини қайта-қайта тайинлайди ва бунинг учун унга катта миқдорда пул беришини ваъда қилади. Санобар Саменжонга ҳеч нарса ваъда қилмайди, Она-юртга қайтиб келиши биланоқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўзи билан бўлиб ўтган бахтсиз ҳодисалар, Ўзбекистон аҳолиси ва давлат тинчлигини бузишга қаратилган хатарли ҳаракатлар ҳақида хабар беради. Зотан, дунёдаги ҳар қандай катта бойлик ҳам Она-юртнинг бир қарич ерига тенг бўлолмайди.

2006 йилнинг август ойида Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида Тожикистон Республикаси фуқароси, 1946 йилда туғилган, Сўғд вилоятининг Шаҳристон туманидаги У. Сулаймонов хўжалигида истиқомат қилувчи шахс – Акрамқул Раҳмонқулов ушланади. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 223-224-моддалари (республикадан чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига келиш тартиби)ни бузганликда айбланган А. Раҳмонқулов Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларининг давлат чегараларини белгиланмаган жойдан кесиб ўтган. Боз устига унинг Тожикистондан чиқиши ва Ўзбекистонга келиши ҳақида ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Текширув чоғида А. Раҳмонқуловнинг ёнидан унинг набираси 1998 йилда Тожикистон Республикаси Шаҳристон туманида туғилган, ҳозирда Янгиер шаҳрида яшаётган Раҳмонқулов Сардор Музаффаровичга берилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси топилган. А. Раҳмонқулов қариндошларининг ҳужжатлари текшириб чиқилганда шу нарса маълум бўлдики, А. Раҳмонқулов ўз набирасининг Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида туғилганлиги факти ҳақидаги ҳужжатни қалбакилаштирган ва ЗАГС бўлимидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ноқонуний равишда олган. С. Раҳмонқулов бу ҳужжатда Сардор Музаффарович деб эмас, шундай дейилганда ҳақиқатга мос келарди, балки. Сардор Акрамқулович Раҳмонқулов, 1998 йилда Мирзаобод туманида туғилган, деб қайд этилган. А. Раҳмонқулов юқоридаги барча ноқонуний хатти-ҳаракатларни келгусида набирасига ҳар иккала республика фуқаролигини олиш мақсадида содир этган.

А. Раҳмонқулов ушланганидан сўнг ўзининг айтишича, у Шаҳристон тумани ИИБ ходими майор Бахтибек Шодибековнинг топшириғига кўра, Жиззах вилоятида ёнилғи-мойлаш материалларини Тожикистон Республикасига олиб ўтиш билан шуғулланадиган кишилар фаолиятига оид ахборотлар йиғиш билан машғул бўлган. А. Раҳмонқулов маълумот берган кишилар Тожикистонга киришда Б. Шодибеков томонидан ушланади. Улардан олиб қўйилган маҳсулотлар эса қайта пулланиб, чўнтакка урилади.

Тергов вақтида яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, А. Раҳмонқулов Давлат миллий хавфсизлик қўмитасининг Шаҳристон тумани бўлими ходимларини Ўзбекистонда ишловчи ўз қишлоқдошлари ҳақида ҳам хабардор қилиб турган. Унинг хабари бўйича маълумот берилган кишилар Тожикистон Республикасига кириш вақтида ушланаверган. Бунда баъзан «адашиш»лар ҳам бўлган. Мисол учун, қариндошларини кўриш мақсадида Ўзбекистон фуқароси, Республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Янгиер шаҳар бўлимининг бошқарувчиси Ҳамза Омонлиқов шундай «адашиш» туфайли ўзига қўйилган тузоқдан омон қолди. Ўткир зеҳни, ақл-идроки ва эпчиллиги боис, у ўзига қўйилган мудҳиш тузоқни ҳатлаб ўтиб, омон-эсон уйига қайтиб келди.

А. Раҳмонқулов ноқонуний тарзда республикадан чиқиш ва Ўзбекистонга келиш, шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятларини содир этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 223 ва 228-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармонига кўра у суд залидан озод қилинди ва Тожикистон Республикасига чиқариб юборилди.

Юқоридаги кўнгилчанлик ҳолати, адашганларга меҳр-шафқат кўрсатиш, кечиримлилик, бағрикенглик каби юксак инсоний фазилатлар меҳмондўст ўзбек халқигагина хос бўлган азалий қадриятлардир. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам чегараси, меъёри бор. Тожикистон Республикасининг ҳозирги раҳбарияти бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келди. Балки шунда ўзбек-тожик муносабатларидаги салбий ҳолатлар барҳам топган бўлармиди?

**Искандар ЖАҲОНГИРОВ,**
**мустақил журналист.**

*(«Sirdaryo haqiqati» газетаси, 2007 йил, 26 май).*

**Аъзам АЗИМИЙ**

# ТАҚДИР АРИФМЕТИКАСИ

*(Саргузашт қисса)*

Тезлик билан Свердловскка учдим. Ливиянинг ота-онаси мени ўз ўғилларидек, қучоқ очиб кутиб олишди. Ўзларини қанчалик бардам тутишга ҳаракат қилишмасин, оғир мусибат уларни синдиргани кўриниб турарди. Айниқса, Алексей Георгиевичда бу яққол сезиларди. Унинг қалин сочлари совун кўпигидек оқарган, қадди эса буғдой бошоғидек букила бошлаганди. Уларнинг айтишича, Ливия, бир кечада тўсатдан ҳолдан кетиб, реанимацияда оламдан ўтибди. Паталогоанатомлар текшириш ўтказиб, ҳеч қандай дард тополмай, соғинчдан эзилиб ўлган, деган хулосага келишибди.

Маргарита Николаевна билан Ливиянинг қабрига бордик. Йўлакай, у қизи оғирлашиши билан мени чақиртириб, телеграмма берганини айтди. Мен эса ҳеч нарсани эшитмай, қуруқ суратдек борардим. Ливияни йўл ёқасидаги оқ қайин остига кўмишган экан. Унинг қабр тошига Киртбая Ливия Алексеевна 29.09.1941 йилда туғилгани ва 11.06.1960 йилда вафот этгани зарҳал ҳарфлар билан ёзилган эди. Унинг услуби билан миямда арифметик ҳисоб қилиб, ўлган санасига ўлим рамзи бўлган «4» рақамини чиқарганимда, ҳайратдан ёқа ушладим.

Ливиянинг ўлганига сира ишонгим келмасди. Шунинг учун бўлса керак, кўзимдан ёш ҳам чиқмади. Девонадек бақрайиб қолган эдим. Тунаш учун хонамизга йўл олганимда, Маргарита Николаевна узр сўраб, Ливиядан сўнг юраги бетлаб, унинг хонасига кирмаганини айтиб, йиғлади. Деярли бир ярим йил ҳеч ким қадам босмаган хона, эгаси худди ҳозиргина бир ерга чиқиб кетгандек, ҳаётий ва илиқ эди. Жавонни очганимда, кийимлардан Ливиянинг муаттар иси келиб, димоғимга урилди. Алланарса муштумдек бўлиб, ҳалқумимга тиқилди. Ана шундагина ўкириб-ўкириб йиғлай бошладим. Йиғлаганда ҳам дардимни ҳеч кимдан яширмай, бор овозим билан оҳ чекиб йиғлардим. Хонага югуриб кирган Маргарита Николаевна эшик олдида турган Алексей Георгиевични чиқариб юбориб, мени бағрига босганча, кифтимни силаб:

– Ҳеч тортинмай йиғлайверинг, дардни ичда сақламанг. – дерди.

Туни билан йиғлаган бўлсам керакки, эрталаб кўзимни очолмай қолдим. Чунки, қовоқларим шишиб кетган эди. Нонушта пайтида чурқ этмай, ҳамма ўз ўйи билан банд бўлди. Ишга кетаётган Алексей Георгиевич пешонамдан ўпиб, елкамга қоқиб, чиқиб кетди. Маргарита Николаевна бўлса, менга калит узатиб деди:

– Бу Ливиянинг калити, энди сизда бўлсин. Тузукроқ нонушта қилиб олинг. Сўнгра академиянинг Тоғ ишлари институтига боринг. Сизни соат ўн бирда профессор Михаил Владимирович Васильев кутади.

Маргарита Николаевнанинг гаплари олдингидек равон эмас, узуқ-юлуқ, тушунарсиз эди. Мен унга ҳайрон бўлиб қараб қолганимдан кейин тушунтирди:

– Сизни аспирантурага қабул қилади. Ўзи илмий раҳбарингиз бўлади, – деди ва чуқур хўрсиниб, – Бу Ливиянинг сўнгги илтимоси эди, – деди кўзига ёш олиб.

...Ўшанда мен, ўттиз йиллик умрим Ливиянинг оиласи билан, Свердловск шаҳри билан, Урал тоғларию Сибирь ўрмонлари билан чамбарчас боғланишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Урал илмий мактабида олим бўлиб етишдим. Шуҳратим бутун мамлакату чет элларга ҳам ёйилди. Лабораториямнинг иши билан йирик давлат раҳбарлари қизиққан, уни назорат қилган ва олқишлаган. Уралдан Камчаткагача чўзилган ўлкада иш юритувчи йирик корхоналару бирлашмаларнинг илмий буюртмаларини бажариб келдим. Улар орасида Сибирда электр тармоқларини қуриш бирлашмаси бўлиб, унинг раҳбарияти, бошқа турли буюртмачилар ўзига «боғлаб» олмасин деб менга олдиндан пул ўтказиб қўйишарди.

Иш юзасидан бир гал Сургутга келганимда, шу бирлашманинг бош инженери Щепеткин мени ўзларининг «Ель» деган ёғоч меҳмонхонасига жойлаштирар экан, ишдан кейин учрашишимизни айтди. Режамдаги ишларни бажариб, хонамда бир тенгламани тузиш устида бош қотириб ўтирсам, Щепеткин жилмайиб кириб келди.

– Ҳадеб ишлайверасанми, қачон дам оласан?

Мен жилмайдим-да, нарсаларимни йиғиштириб, сумкамда ётган коньякни очмоқчи бўлдим. Щепеткин мени тўхтатди:

– Пастда ҳамма нарса бор. Юр, сени Игорь кутмоқда, – деб, чиқиб кетди.

Пастга тушар эканман, мени кутаётган Игорь дегани ким бўлди, деб ҳайрон эдим. Чунки, беш-олти йиллик ишимиз давомида мен фақат бош инженер Щепеткин билан алоқада бўлган эдим. Пастда, стол атрофида ўтирган беш-олти одамга салом бериб, тортинибгина яқинлашдим. Шунда ўрта бўйли, ҳийла семиз, сийрак сочли, мен қатори ёшдаги оқсариқ киши столдан туриб, очиқ табассум билан мени қарши олди. Унга қўл чўзган бўлувдим, мени қучоғлаб, бағрига босди-да:

– Қадрдоним Азимий, қандайсан? – деди кутилмаганда.

Мен ҳолсизланиб, бўш стулга ўтириб қолдим. Чунки мени фақат Ливиянинг оиласи, унинг яқинлари «Азимий» деб атарди. Кўнглим бузилиб, кўзим ёшланди. Мени қувонч билан кутиб олган бу одам эса, ёнимга ўтириб, столга янгитдан дастурхон ёзишни буюрди. Олдида барчанинг елиб-югуриши, Шепеткиннинг эҳтиромларидан унинг катта одамлиги билиниб турарди. Фурсат топиб, Щепеткиндан секингина унинг кимлигини сўрадим.

– Нима бало, ичмай туриб маст бўлиб қолдингми? – деди ҳайрон бўлиб. – Ахир у Игорь Киртбаяку!

Меҳмонларни хонама-хона тарқатгач, атайлаб мен билан якка қолган Игорь, Киртбаяларга хос ёқимли табассум билан ўзини Ливиянинг туғишган акаси эканлигини, менинг ҳақимда ота-онасидан ва Ливиядан кўп эшитганини айтди. Менинг ишларимга ҳомийлик қилиб юрганига ўз раҳматимни изҳор қилмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаганимда, у сўзимни бўлди:

– Бу Ливиянинг хотираси учун! – деди майинлик билан.

Игорь Киртбая ажойиб ташкилотчилиги билан бутун мамлакатга таниқли машҳур Меҳнат қаҳрамони эди. Унинг олдига Келдишу Глушкодек, Лаврентьеву Аганбергяндек академиклар, машҳур ёзувчилару артистлар тез-тез келиб туришарди. Шундай одамлар келганида доим мени чақиртирар, меҳмонларга «Энг яқин қариндошим» деб таништирарди. Қонуний никоҳимда қирқ кунгина бўлган, аммо мени чексиз севган Ливиянинг хотираси деб, Игорь умрининг охиригача ёнимда бўлиб, фаннинг қалтис сўқмоқларида мени қўллади. У ҳам менга шунчалик ўрганган эдики, кўп ерларда бирга бўлиб, маъракаларни бирга ўтказганмиз.

Бир куни Игорнинг юраги хуруж қилиб қолиб, уйига зўрлаб олиб бордим. Хотини йўқ экан, эшикни жияни – Марина исмли ёши ўн бешлардан ошмаган бир қизалоқ очди. Мен Игорни ўрнига ётқиздимда, телефон қилиб, врачларни чақирмоқчи бўлдим. Игорь қаршилик қилди. Чунки масъулиятли ишлар жуда кўп эди. Маринага кўк чой дамлашни буюрди. Чойнак пиёлаларни кўтариб келган Маринанинг оппоқ бўйнида қора шоҳи тасмага осилган таниш кулонни кўриб, тахтадек қотдим. Бу Ливиянинг бўйнидаги ўша кулон эди. Менинг ҳолатимни сезган Игорь:

– Марина Ливиянинг... Тўғрироғи Ливия билан икковларингнинг қизларинг, – деди.

– Қандай қилиб? – сўрадим мен суюнишни ҳам, куюнишни ҳам билмай.

– Ойимнинг айтишича, сен Тошкентга кетганингдан кейин икки ой ўтгач, Ливиянинг ҳомиласи борлиги аниқланган. Бундан ота-онам, айниқса, Ливия жуда хурсанд бўлишган. Ҳомила ҳар доим врач назоратида бўлган. Аммо муддат яқинлашиб қолганида Ливиянинг аҳволи кескин ёмонлашиб, унинг ҳаёти хавф остида қолган. Врачлар Ливиянинг умри бир неча соатгагина етишини айтишганида, Ливиянинг талаби билан ҳомила сақлаб қолинган. Ливия ҳам операциядан кейин уч кун яшаган, боласини эмизган...

– Қизиқ, нега ота-онанг мендан буни сир сақлашди?

– Ким билсин? Ахир Маринани ўзинг билан олиб кетишга сенинг ҳам ҳаққинг бор эди...

Свердловскка учиб кетадиган куним арафасида хонамни кимдир тақиллатди. Қарасам – Марина!

– Игорь тоғам сизни ўрмонга олиб чиқиб, чанғида учишни ўргатишимни буюрдилар, – деди Марина жилмайиб.

Унинг юзига тикилиб, таниш ва жуда азиз бўлган белгиларни излардим. Маринада оз бўлса ҳам менинг сифатларим, шунингдек, Ливиянинг овози, унинг жилваси бор эди.

Уч соат ўрмонда чанғи учиб, Маринага бироз ўргандим шекилли, унинг кўп қилиқлари Ливияникига ўхшаб кетгандек эди. Мен билан хайрлашиб, уйига кетаётганида эса, Ливияга хос антиқа муаттар ҳид димоғимга урилгандек бўлди. Бошим айланиб, эшик кесакисига суяндим. Шўхлик билан зиналардан сакраб тушиб кетаётган Маринани кузатар эканман, бу дунёда Ливиядан яхши хотира, ўчмас из қолганидан хурсанд эдим.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

### Олий табақа

# «МЕТАЛЛУРГ»НИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҒЛУБИЯТИ

**Футбол бўйича мамлакат чемпионатида навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди.**

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» ўз майдонида «Қизилқум-Олтин» жамоаси билан баҳс юритди. Учрашувнинг 16-дақиқасида меҳмонлар олдинга чиқиб олдилар. Металлургчилар жавоб тўпини киритиш учун кетма-кет ҳужум уюштирдилар, бироқ бир неча хавфли ҳолатлардан унумли фойдалана олмадилар.

Иккинчи бўлимда ҳам майдон эгалари анча ҳаракат қилдилар. Лекин ҳужумчиларнинг ноаниқ зарбалари жавоб тўпини киритишга имкон бермади. «Металлург» 12 турдан турдан сўнг 1 ғалаба, 2 дуранг қайд этиб, жадвалнинг сўнгги поғонасини банд этиб турибди.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» – «Қурувчи» 0:4, «Нефтчи» – «Бухоро» – 4:0, «Трактор» – «Машъал» 1:2, «Локомотив» – «Самарқанд-Д» 1:2, «Насаф» – «Тўпаланг» 1:0, «Андижон» – «Пахтакор» 1:3.

Чемпионатда «Нефтчи» 34 очко тўплаб, карвонбошилик қилмоқда.

Навбатдаги тур учрашувлари 17, 18 июнь кунлари ўтказилади. «Металлург» Самарқандда майдон эгаларига қарши баҳс юритади.

### Биринчи табақа

# БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ТУС ОЛАЯПТИ

**Мамлакат чемпионатида иштирок этаётган жамоалар 14- ва 15-тур учрашувларини ўтказдилар.**

«Кимёгар» 14-турда Тошкентда «Оқтепа»га қарши баҳс юритиб, 2:2 ҳисобидаги дурангни қайд этди. «ОКМК» эса «Зарафшон» меҳмони бўлиб, ўйинни 2:1 ҳисобида бой берди. 15-турда «Кимёгар» Жиззахда «Сўғдиёна»га қарши тўп сурди. Қизиқарли ўтган учрашув 4:2 ҳисобида майдон эгалари ғалабаси билан якунланди. «ОКМК» сафарда «Ромитан» билан баҳс юритиб, 2:1 ҳисобида зафар қучди.

«Кимёгар» 7-ўринни банд этган. «ОКМК» жамоаси сўнгги турдаги ғалабадан сўнг 11-ўринга кўтарилиб олди.

Навбатдаги тур учрашувлари 16 июнь куни бўлиб ўтади. «Кимёгар» ўз майдонида «Шайхонтоҳур» жамоаси билан, «ОКМК» Косонсойда майдон эгалари билан тўп суради.

**Талъат ЮСУПОВ.**

Қуйичирчиқ туманидаги 2-мактаб томонидан 1999 йилда Юсупходжаев Баходир Абдукаримович номига берилган O`R-A № 637494 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Оққўрғон тумани, Нозимхўжаев кўчаси, 23-уйда яшовчи Соипов Ғайрат номига 2007 йил 30 майда берилган ТА № 0350326 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!**

**Почта алоқаси бўлимлари ва почтальонлар томонидан 2007 йил май ойи пенсия ва нафақа пуллари пенсионерларга тўлиқ етказилган. Жорий йилнинг май ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.**

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.**

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Ташкилот «AGRIKO» (Голландия) компанияси тайёрлаган эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизерс ва бошқа биринчи репродукцияли элита ҳамда суперэлита навли картошка уруғларини нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан харид қилишни таклиф этади.**

Уруғлик картошка қуйидаги манзилдаги омборхонада сотилади: Зангиота тумани, Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғини, Лойиҳачи кўчаси, 7-уй. (Мўлжал: Назарбек божхона пости).

**Маълумот учун телефонлар:**
162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 6884. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45. 2 3 4 5 6